



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 10 май, № 91 (6021)

Шанба

ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.



Инсон хотираси муқаддас, кадр-қиммати азиз ва мўътабардир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган. Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиладиган, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилган ҳаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасининг. Мазкур Фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улғайёмни, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматини билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узок умр, бахтли ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга фойз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнгилни кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, десам, барчанing фикрини ифодалаган бўламан.

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганидан буён орадан қарийб 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машъум урушни эсидан, ҳаёлидан чиқарган бўлса.

Ўйлайманки, бу борада баъзи бир рақамларни такрор ва такрор эсимизга олишимиз, бола-ларимизга, ёш авлодимизга етказиб туриш учун уларни доимо хотирамизда сақлашимиз даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлига қурол олиб, жангу жадалларда иштирок этган, қонини тўккан.

Ўша ёвуз урушда 500 мингга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортამиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш тугайли **Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охириг нонини ҳам улар билан баҳам қўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айна мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади, деб таъкидлади Юртбошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида **олтин харфлар билан муҳрлаб қўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаёт-****

нинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узокни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.

Президентимиз уруш ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун бундай фожиа ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Афсуски, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз.

Айрим жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош кўтараётгани, миллатчилик, шовинизм каби хавфли офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Бугунги кунда ҳар бир инсон албатта бундай ғоят хавфли ҳолатларни, шулар қаторида собиқ иттифоқ ҳудудларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни кўриб, кеча яқин дўст бўлганлар эртага ўзаро душманга, ўта хатарли вазият юзага келиб қонли урушга айланиб кетмаслигини истаиди.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқроқ ҳуқуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз баҳаршидир, зўравонликка, қуч ишлатишга йўл қўймаслиқдир.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозим, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлсизлигининг бузилишига йўл қўймаслиқ зарур.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Чунки ҳеч қайси халқ урушни хоҳламайди. Бизнинг ён қўшнимиз бўлган Афғонистон халқи ҳам, агар ўз ҳолига қўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечирган бўларди.

Биз қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишини истаймиз. Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни икки томонлама асосда ташкил қилишни маъқул деб биламиз.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Ислон Каримов, бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сура-



ётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин. Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта курашшимиз даркор.

Менинг ишончим комил: орқамизга қараб, ҳолисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Бугунги одамларимиз, уларнинг дунёқарши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Содда қилиб айтганда, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонлар билан 90-йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу ҳақда гапирганда, биз, авваламбор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечирришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятли, гурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узокни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобида, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимизга борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

Айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифа-

тида кўрамиз, деди Ислон Каримов.

Жорий йилга юртимизда «Соғлом бола йили» деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айна шу йўлда амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизни янги юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига яқинда Қорақалпоғистонга борганда катта бир қурилиш — Сурғил газ-кимё комплексига бўлган суҳбатда гувоҳ бўлдим.

Дунёда камдан-кам учрайдиган, қиймати қарийб 4 миллиард долларлик ана шу комплексни қуришга Жанубий Корейдан келган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки гурурланиб гапирганини айтишни жоиз, деб биламан.

Айниқса, корейлик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. У биз дунёнинг кўлаб мамлакатларида мана шундай объектларни барпо этишда қатнашганимиз, деди. Лекин ҳеч қерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўткир, интилувчан ёшларнинг кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизда ҳайрат уйғотди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи қучага айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чечарисига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Оллоҳдан тинчлик, осойишталик беришини, ёмон кўзлардан асрашини сўраймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор табриклаб, барча-барчангизга узок умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга фойзу барака тилайман, деди Президентимиз.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

(Ў.А.)

Азиз АБДУЛЛАЕВ ва Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жахон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар канча эъзоз-ласак, шунча кам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдида ҳамиша қарздоримиз. Уларнинг умрини кўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Эътибор, эҳтиром, эъзоз

Зеро, ҳар йили республикамизда 9 май санаси умумхалқ байрами сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланишининг боиси ҳам шунда. Бу кунда ўтганлар ёдга олиниб, кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват кўрсатилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар, мукофотлар улашилади.

Ана шу эзгу аъёналар мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлиб ўтган байрам тадбирларида яна бир бор яққол намоён бўлди.

Хусусан, ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА урушининг навқирон палласини фронтда ўтказган инсонлардан 121 нафари фарзандлари, неварою эваралари, ёр-биродарлари даврасида Хотира ва қадрлаш кунини тантанали нишонлади. Байрам арафасида уларнинг барчасига алоҳида иззат-икром кўрсатилди.

— Мана, бир неча кундирки, хонадонимизда шодиёна давом этапти, — дейди Қонлиқўл туманида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Ҳрозбой Наметуллаев. — Туман ҳокимлиги вакиллари “Қамолот”чилар билан бирга Ўртбошимиз Фармони асосида ажратилган мукофот пулини тантанали равишда топширишди. Сўнгра гулдаста кўтарган невара-чевараларим ҳовлимизни тўлдиришди. Бундай эҳтиромдан бошим кўкка етиб, озод ва обод юрtdа яшаётганимга такрор-такрор шукрона айтдим.

9 май тонгида Нукус шаҳридаги Хотира майдонида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, ўтганлар

хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари АНДИЖОН вилоятида ҳам Хотира ва қадрлаш санаси билан тақдирӣ боғланмаган бирорта хонадон, оилани топиш мушкул. Шу боис бу байрамга ҳар бир қишлоғу маҳаллаларда жиддий ҳозирлик кўрилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, қолаверса, саховатпеша инсонлар томонидан 253 нафар Иккинчи жахон уруши қатнашчиси ва меҳнат фахрийларига меҳр-мурувват кўрсатилди.

— Инсон азиз саналган юрtdа яшаётганимнинг ўзи катта бахт, — дейди Пахтаобод туманилик 78 ёшли онахон Феруза Халилова. — Бундай тинч-тотув кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ ахир. Шунинг учун тинчлики қадрлаш каттаю кичикнинг бурчидир. Яратганга шукр, бугун гўзал замонда яшаяпмиз. Айниқса, ёшларимизнинг бахту иқболини кўриб, ич-ичимдан севинаман.

ФАРҒОНАда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни байрами арафасида меҳнат фахрийлари ва спортчиларнинг веломарафони ўтказилади. Бу йил ҳам ушбу аъёна такрорланди. “Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз” шиори остида ташкил этилган мусобақада 106 нафар фахрий ҳамда хаваскор спортчи Қўштепа, Тошлоқ, Кува туманлари ва Қувасой ҳамда Фарғона шаҳарлари бўйлаб 135 километр масофани босиб ўтдилар.

— Ҳар йили ушбу мусобақани интиқиб кутамиз, — дейди марафон қатнашчиси, 80 ёшли Маматкарим ота Нурматов. —

Беллашувда тенгдошларим — Тўлқинжон Исақов, Алексей Сворцов, Мўхаммаджон Каримов билан пешқадамлики кўлдан бермадик. Бу орқали ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик бўлдик.

Фарғона шаҳридаги Хотира майдонида бўлиб ўтган веломарафоннинг ёпилиш маросимида иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир ва

фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, қолаверса, саховатпеша инсонлар томонидан Иккинчи жахон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига меҳр-мурувват кўрсатилди.

Самарқанд шаҳридаги Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланган байрам тантаналари “Гранд Султон” кошонасида ташкил этилган дийдорлашув тадбирига уланиб кетди. Унда 500 нафар

нуронийга эсдалик совғалари топширилди.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида СУРХОНДАРЁ вилояти шаҳару қишлоқларида ҳам уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаб, уларга эъзоз ва эътибор кўрсатиш билан боғлиқ эзгу тадбирлар янада кенг тус олди. Маҳаллалар фаоллари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари уруш қатнашчилари хонадонларига гулдасталар ҳамда совға-саломлар билан таширф буюришди.

— Бизни ҳурмат қилиб келганлар пойқадами билан хонадонимиз тўйхонага айланди, — дейди Денов туманининг Жаматак маҳалласида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси, 90 ёшли отахон Менғқобил ота Шодиёв. — Зеро, кўрсатилаётган эътибор, Ўртбошимизнинг, атрофдагиларнинг

гамхўрлиги, Ватан олдидаги, озми-кўпми, меҳнатимиз эътирофи кишига тетиклиб бағишлайди, кўнгилни ёшартириб юборади.

Вилоят марказидаги Хотира майдонида уруш қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Маҳаллалар, меҳнат жамоаларида эса байрам дастурхони ёзилиб, кекса авлоднинг ёшлар билан мароқли суҳбати ташкил этилди.

Тўй-маъракаларда кексаларни давра тўрига ўтқизиб, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий одатларда, улар юксак эъзоз ва эҳтиромдан баҳраманд бўлишаётир.

Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган байрам тадбирларида бу яна бир бор ўз исботини топди. Давлат ва жамоат ташкилотлари,

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар, шунингдек, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Навоий ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам алоҳида кўтаринкилик билан ўтказилди.

ИЗЛАНИШ

Жиззах туманидаги “Олмачи полимери” масъулияти чекланган жамиятида нам, ёнгин, совуқ ва иссиққа чидамли қурилиш материали ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ёғочдек табиий ва металлдек мустаҳкам

Айни пайтда бинокорлар ундан ёғоч ўрнини босувчи замонавий маҳсулот сифатида фойдаланишни афзал кўришмоқда.

Корхона мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур қурилиш воситаси таркибда 60 фоиз миқдориде ёғоч қипиги мавжуд. Хом ашёнинг 30 фоиз қисми эса полиэтилен ҳамда яна 10 фоизи экоқўшилма аралашмасидан иборат. Эътиборли жиҳати, экологик жиҳатдан тоза бўлган бу қурилиш материали 25 йилгача ўз хусусиятини йўқотмаслиги, бўяш ва бошқа турдаги ишловга муҳтож эмаслиги билан ажралиб туради.

— Ундан ортқ турдаги қолипларда тайёрланаётган маҳсулотларимиз ёғочдек табиий ва металлдек мустаҳкам, — дейди жамият раҳбари Хайрулла Омонов. — Улардан уй-жой ва офислар ҳамда ҳовлилардаги турли композицион қурилишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Эндиликда полиэтилен маҳсулотлар — қувор, плёнка ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш устида иш олиб бораёпмиз. Мазкур лўйиҳа рўёби учун 447,5 минг АҚШ долларини миқдориде маблағ йўналтирдик.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СОВҒАЛАР

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларга миллий ва замонавий услублар асосида тайёрланган спорт кийимларини топширишга бағишланган тадбирлар юртимизнинг барча жойларида байрамона руҳда ўтказилди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қиладилар.

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили — болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожланти-

риш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жамғарма фаолият бошлаганидан буюн биргина Қорақалпоғистон Республикасида 122 та спорт иншооти ҳамда 15 та болалар мусика ва санъат мактаби бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. 2013 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 12 миллиард 558 миллион сўм йўналтирилди.

Айни пайтда мавжуд спорт иншоотларида 24 минг 375 нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Шароит ва имкониятларнинг тобора яхшиланиб бораётгани, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётгани, маҳаллий корхоналаримизда қизлар учун миллий

менталитетимизга хос, замонавий дизайндаги кийимлар ишлаб чиқарилиб, бир қисми ҳар йили Президентимиз номидан уларга совға сифатида берилаётгани ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришда муҳим омили бўлмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Бухарбой Қалабоев. — Бу йил Оролбўйида 12 минг 362 нафар қизга ана шундай спорт кийимлари тўхфа этилди.

Шу муносабат билан жойларда ташкил этилган тадбирларда алоҳида таъкидланганидек, спортга меҳр қўйган қизларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, бекиёс гамхўрлик уларни янги марралар сари руҳлантиради, она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

лаш куни муносабати билан БУХОРО шаҳридаги сўлим “Тожмаҳал” маросимлар залида ташкил этилган тадбир ҳам шу қадриятларимиз асраб-авайлаб келинаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Иккинчи жахон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари бир пиёла чой устида ширин суҳбат курдилар. Дахшатли уруш ва унинг оқибатларини кўрган, Ўзбекистонимизнинг тинчлиги, ободлиги, турмуш фаровонлигига шукроналар айтиб яшаётган нуроний отахону онахонларинг бу учрашуви ўзаро дийдорлашув кечасига айланди. Уларга совғасаломлар улашилди.

9 май куни эрталаб эса Бухоро шаҳридаги Хотира хиёбонида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси ёдга олинди.

9 май куни тонг саҳардан ХОРАЗМ вилояти марказидаги “Хумо” мажмуасида нуронийлар учун байрам дастурхони ёзилди. Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирокида Хотира майдонидаги Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйилди.

— Инсон учун тинчлик ва тотувликдан кўра қадрироқ неъмат йўқ, — дейди Урганч шаҳрилик уруш ва меҳнат фахрийси Оллаберган Бобожонов. — Мана шундай дориламон кунларга етказгани учун Яратганга шукр. Ўртбошимизнинг биз, кекса авлод вакилларига кўрсатаётган катта гамхўрлигидан бошимиз осмонда. Илоҳим, хурратимиз мангу, Президентимиз соғу саломат бўлсин!

Байрам муносабати билан вилоятда истиқомат қилаётган 207 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига Ўртбошимиз Фармони асосида пул мукофотлари топширилди.

Дарҳақиқат, хотира абадий, хотира муқаддас. Инсон умри эса қисқа ва ўткинчидир. Шундай экан, бугунги саодатли кунларнинг қадрига етиб, бир-биримизга меҳр-мурувват, хушқайфият улашиб, фақат эзгу амаллар билан яшаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Норин тумани йўлларида ихчам электровелосипедлар пайдо бўлди. Экологик жиҳатдан безиён, бошқаришга қулай мазкур улов Ҳаққуллобдаги “Norin mechanikal plant” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Норинда электровелосипед ишлаб чиқарилмоқда

Болалар ва катталар учун велосипедлар ҳамда автомобиллар бутловчи қисмларидан иборат 80 дан ортқ турдаги махсулот тайёрланаётган ушбу корхонанинг янги турдаги воситалари аккумулятор ёрдамида ҳаракатланади. Уни бир марта қувватлантириш орқали соатига 30-40 километр тезликда камида 50 қақирим йўл босиш мумкин. Ҳозиргача ана шундай электровелосипедлардан 260 таси савдога чиқарилди.

— Бундан аввалроқ тўққиз босқичли тезликда ҳаракатланувчи икки турдаги спорт велосипедлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик, — дейди корхона бўлим бошлиғи Равшанбек Мадҳоликов. — Олд ва педаль қисмига амортизатор ўрнатилган бу улов велоспорт ишқибозларига ҳар жиҳатдан маъқул тушди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш материаллари учун микроқўшимчалар

Урганч давлат университети олимлари пойтахтимизда ўтказилган “Инновацион гоьлар, технологиялар ва лойиҳалар” VII республика ярмаркасида 40 та инновацион лойиҳа ва технологиялар билан қатнашиб, умумий қиймати 1 миллиард 95 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлдилар.

Хусусан, ушбу ўқув муассасасининг илмий ходими, техника фанлари номзоди, доцент Забибулла Бобоев раҳбарлигида яратилган бетон маҳсулотлари ва бетон қоришмалари мустаҳкамлигини оширадиган кимёвий қўшимчалар лойиҳаси ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Натижада шу ернинг ўзида 8 та корхона билан 445 миллион сўмлик шартнома тузилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу янги турдаги маҳсулот 20-30 фоиз цементни тежаш, бетон маҳсулотлари сифати ва мустаҳкамлигини,

совуққа чидамлилигини ошириш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Бинобарин, мазкур кимёвий микроқўшимчалар нархи арзонлиги, фойдаланиш учун қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Уни яратиш учун тақлиф этилган технология ва ускуналар осон бошқарилиши билан бирга, содда конструкцияга ҳам эгадир.

Энг муҳими, маҳсулотни тайёрлаш учун зарур бўладиган хом ашё тўқимачилик sanoати чикиндисидан олинади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллий корхона халқаро сертификатга эга бўлди

Сирдарё туманидаги “Темур мед фарм” масъулияти чекланган жамияти “ISO 9001:2009” халқаро сифат сертификатига эга бўлди.

Бунда корхонада ҳужжат юритишнинг аниқлиги ва ишлаб чиқариш билан мутаносиблиги ҳамда тайёрланаётган 7 турдаги инфузион қоришмаларнинг жаҳон стандартларига мослиги алоҳида эътиборга олинди.

— Ҳозир кунига 60 минг флакон дори воситаси ишлаб чиқараяпмиз, — дейди жамиятнинг сифат назорати бўйича инспектори Саид Дадажонов. — Маҳсулотларимиз мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарга етказиб берилмоқда. Тез орада инфузион эритмаларимиз турини яна 3 тага кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Қолаверса, халқаро сертификат жаҳон бозорига чиқишимиз учун кенг йўл очди. Бу эса истиқболда фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо этади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сердаромад тармоқ

Оҳангаронлик фермерларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини чорвачилик билан боғлашган. Эндиликда улар агар соҳанинг сердаромад тармоқлари — қўёнчилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланишмоқда.

Хусусан, “Шоштепа шамс” фермер ҳўжалигида хонақилаштирилган Пекин ўрдақларини кўпайтиришга киришилди. Бунинг учун банк кредити ҳисобидан замонавий инкубатория ташкил этилди. Ҳозир бу ерда хорих технологисига асосланган “иссиқ пол” усулида парварিশланаётган ўрдақ жўжалари ҳар 50 кунда етилиб, 2,5

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.



АЖДОДЛАРИ АВЛОДЛАРИ

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Бу заминда туғилган, камол топган мутафаккирлар томонидан яратилган бебаҳо асарлар инсониятга олам ва одам, борлиқ тушунчаси, ҳаётнинг мазмун-моҳиятидан сабоқ беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Улуғ бобо-калонларимизнинг бой илмий ва адабий мероси олам узра доврүк қозонган бўлса-да, мустабид тузум даврида уларнинг табарруқ номлари топталди, сўнгги манзилларига беписанд муносабатда бўлинди. Фақатгина истиқ-лолга эришилгач, мухтарам Президентимизнинг азму шижоати туфайли азизларимиз хотирасига эҳтиром кўрсатила бошланди. Уларнинг асарларини тадқиқ этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни бебаҳо дурдоналарга ошно қилиб тарбиялаш борасида ибратли ишлар қилин-ди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган “Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккир-ларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ҳам улугларга бўлган эҳтиромнинг яна бир яққол намунаси.

Тарихдан маълумки, олиму мутафаккирларнинг камолот пиллапоёсида мадрасаларнинг ўрни катта бўлган. Шу боис уларга оид айрим маълумотларга тўхта-либ ўтишни лозим кўрдик. Хусу-сан, XV аср охири — XVI аср бошларида яшаб ижод этган етук адиб ва шоир Зайниддин Восифий ўзининг “Бадоеъ ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) аса-рида Шайбонийхон сулоласи

вакилларида Кучкунчихоннинг Самарқанддаги ҳукмронлиги даврида вайронага айланган меъморий бинолар, жумладан, мадрасалар, хонақоҳлар, ибодат-хонаю масжидлар таъмирланган-лиги, шаҳарда ободончилик ишлари амалга оширилганлиги ҳақида сўз юритади.

“Улар иморат ва таъмир қили-ниб, — деб ёзади муаллиф, — шаҳид султон Улуғбек Қўрагон-

нинг мадраса ва хонақоҳигаки, рубъи маскунда унга тенг кела-диган олий иморат бўлмаган эди, ўн мударрис тайин қилин-ди... Мадраса муаззам айвони-нинг баландлиги шу даражада эдики, агар Шарқ кўёши ўз нур-лари торини пайванд қилиб, нур-ли юлдуз ясаганда ва янги ой илгагига илганда ҳам унинг бо-лохонаси шарафасидан пастлик қиларди. Агар ҳаёл сайёҳи

мадраса тугай деб қолди. Унга кимни мударрис этиб тайинла-моқчисиз?

Мирзо жавоб берди:

— Бу мадраса мударриси жа-мики илмларга мохир ва барча фанлардан баҳраманд ва комил киши бўлиши керак.

Мавлоно Ҳавофий жойидан туриб, шундай деди:

— Бу мансабга мен тайин этилурман.

АЛЛОМА, БАРКАМОЛ

андиша дастёрлигида кунгураси тепасига қадам қўйганда, боши ломакон гумбази шифтига тегар эди”.

Зайниддин Восифий, шунинг-дек, мадрасанинг кўриниши, унинг ўз даврида тутган ўрни ҳақида ҳам маълумот бера-р экан, мударрислар хусусида бун-дай дейди: “Шу мударрислардан бири Мавлоно Амри Калон эди-ки... Инояти ихтиёрининг жило-ви сарфини талабалар тарбия-тига йўналтирмоқни лозим топиб, диний жаҳолат қолдиқла-рини йўқотмак ва аник илмлар байроқларини ўрнатишга жидду жаҳд кўрсатдиким, залолат би-носининг синмоғи унинг замини-да илова эди. Бундай қатъий аҳд унга вақолат қилинган эди... Фазилят таркатувчи фозиллар тарбияси билан банд эди. У би-лиш шарти мукаррар қилинган су-фада олимларнинг олими — мударрис бўлиб дарс бера-р эди”.

Восифий халқ орасида тар-қалган Муҳаммад Ҳавофий ҳақидаги қуйидаги маълумотни келтиради: айтишларича, Улуғ-бек мадрасасини кураётганлари-да мавлоно Ҳавофий унинг тез-роқ битказилишига кўмаклашган. Бир куни у пўстинини тескари қийиб олиб гишт уюмлари ора-сида ўтирган эди. Бир киши Мирзо Улуғбекдан сўради:

— Ҳазрат, бу улкан ажойиб

Ҳикоя қилишларича, Мирзо Улуғбек уни ёнига чакириб хар илмдан баъзи нарсаларни сўра-ган. Нимани сўрамасин, маъқул ва мақбул жавоб олган. Кейин унга қимматбаҳо кийимлар берган, азиз тутган ҳамда ўзи учун ҳам сабоқ олган.

Бундан кўринадики, мудар-рислар ҳам юксак талаб ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда муттасил изланишган. Дарслик, ўқув кўлланмалари яратилган, мураккаб асарларни ўрганиш-нинг турли усулларини жорий қилишган.

Юқоридаги фикрларнинг тас-диги сифатида қуйидаги муҳим далилни келтиришни лозим топдик. Бу ҳужжат Мирзо Улуғ-бекнинг Самарқанддаги мадра-сасида тахсил кўрган Шамсид-дин Муҳаммад номига берил-ган санати (шаҳодатнома)си бўлиб, у 1435 йилда мадраса-нинг бош мударриси Қозизода Румийнинг руҳсати ва имзоси билан берилган. Унда, хусусан, бундай дейилади: “...Шамсид-дин Муҳаммад ал-Балхий илм тахсил қилиш учун ватанидан узоқ ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Самарқандда 16 йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсидан илмнинг тиниқ сувига ташнали-ги кун сари ортиб борди. Ид-рокли ва зийрак бўлғони учун

дарсларни тез тушунар эди”, дейилади. Бу ерда таъриф этилган талаба Шамсиддин Муҳаммад асли Хуросоннинг Балх шаҳридан бўлиб, Самар-қанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясига ўқишга келган. Бундан кўринадики, Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олиясининг шон-шухрати кўплаб мамлакатларга ҳам етиб борган. Шунинг учун ҳам у ерда фақат мовароуннаҳрликлар тах-сил олмай, балки Хуросон, Ҳин-дистон, Рум ва бошқа Шарқ мамлакатларидан келганлар ҳам таълим олишган. Шунингдек, ушбу сўзлар мадрасаи олияда тахсил муддати 16 йил эканли-гини ҳам исботлайди. Мазкур шаҳодатнома Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ститути фондида Р10683 — Ш ракам остида сақланади.

Мадрасаларда Шарқ илмий доирасида ўчмас из қолдирган олиму фузалолар — Имом Бухо-рий, Нахмиддин Кубро, Шара-фиддин Али Яздий, Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломаларнинг асарлари-га мурожаат қилиш, улар яратган илмий кашфиётлар билан тала-баларни таништириш, асарлари-дан нусхалар кўчириш асосий вазифа эканлиги кўзга ташлана-ди. Бу алломалар жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўиши билан бир қатор-да мадрасаларда ўқитилиши ло-зим бўлган дарслик ва кўллан-маларнинг муаллифлари ҳамдир.

Мухтасар айтганда, асрлар синовиёга бардош берган мадра-салар, у ерларда бобокалонла-римиз томонидан ўтилган сабоқ-лар инсоният маънавий дунёсини бойитиб келган. Шун-дай экан, ажодларимиз маъри-фатига назар солмоқ кишини хушёрликка даъват этади ва уларга муносиб ворис бўлиш туйғусини тарбиялайди. Зеро, ажодлари аллома юртнинг авлодлари ҳам баркамол ва соғлом бўлиши мукаррар.

Маҳкамой ТУРСУНОВА,
Алишер Навоий номидаги
Самарқанд давлат университети
доценти.



Германиянинг “BMW Group” автомо- билсозлик компанияси жорий йилнинг март ойида 212 минг донадан кўп машина сотиб, рекорд кўрсаткичга эришди.

Маҳсулот сотиш бўйича рекорд

“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, 2014 йил ушбу корхона учун анча муваффақиятли бошланган. Хусусан, у январь — март ойларида 487 минг 24 дона автомобилни пуллаб, бу борада ҳам рекорд натижани қайд этган. Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида “BMW Group” маҳсулот етказиб бериш бўйича 12 фоизли ўсишга эришган.

Изоҳлавишича, корхона ишлаб чиқараётган “X1”, “X3” ва “X5” русумли автомобилларнинг тобора харидоргир бўлиб бораётгани ана шундай ижобий натижани таъминлаган.

Балиқлар ёмғири

Шри-Ланкада балиқлар ёмғири ёғди. Бундай гаройиб табиат ҳодисаси мамлакатнинг океанга яқин қишлоқларидан бирида кузатилган.



Мутахассислар фик-рича, бунга денгизда кўтарилган торнадо са-баб бўлган. Чунки куч-ли шамол минглаб май-

да балиқларни осмонга учуриб кетган. Гувоҳларнинг сўзла-рига қараганда, ерга тушган балиқларнинг энг каттаси 8 сантиметр узунликка эга бўлиб, уларнинг қарийб барча-си нобуд бўлган экан. Олдинроқ Шри-Ланка-да қисқичбақалар ёмғи-ри ҳам ёғиб ўтган эди.

Зилзила юз берди

Покистонда кучлианиши 4,3 ва 4,6 баллга тенг бўлган иккита зилзила юз берди.

Ер силкиниши маркази Даур шаҳридан 12 кило-метр жануби-шарқда, 15 километр чуқурликда қайд этилган. Маҳаллий матбуот хабарларига қараган-да, табиий офат вайроналарга сабаб бўлган. Бунинг оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, қирқ нафарга яқин одам тан жароҳати олган.

Танқид қимматга тушди

Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси маъмурияти смартфонлар дизайнини ишлаб чиқишга масъул гуруҳ раҳбари Чан Дон Хунни лавозимидан озод этди.



Энди унинг ўрнини мобил дизайн гуруҳи вице - президенти

Ли Мин Хёк эгаллайди. Манбага қараганда, Хуннинг ишдан бўшати-лиши янги турдаги смартфон — “Samsung Galaxy S5” тайёрлани-ши билан боғлиқ экан. Чунки ушбу мобил алоқа воситаси эксперт-лар ва харидорлар эътирозига учраган.

Кафолати минг йил

Дизайнер Крис Шеллис (Буюк Британия) дунёдаги энг чидамли оёқ кийимини яратди.

Унинг сўзларига кўра, туфли минг йилгача хиз-мат қилиши мумкин. Чунки пойабзални тайёрлаш-да кумуш ҳамда зангламайдиган пўлатдан фойда-ланилган.

Шеллисининг таъкидлашича, бу нафақат дунёда-ги энг яроқли, балки энг қулай оёқ кийими ҳам экан.

Футбол ва бизнес

“Forbes” журнали ўтган йили энг кўп даромад олган футболчи ва мураббийлар рўйхатини эълон қилди.



Унда португалиялик Криштиану Роналду 73 миллион АҚШ дол-лари миқдорида даро-мад топган ҳолда биринчи погонани банд этган. Рейтингда ундан кейинги юқори ўринлар-ни аргентиналик Лионель Месси (65 миллион), швециялик Златан

Ибрагимович (34 мил-лион), бразилиялик Неймар (28 миллион) ва колумбиялик Фалькао (26 миллион) эгаллади. Мураббийлар ўрта-сида эса “Бавария” клу-би етакчиси Хосеп Гвардиола (24 мил-лион) биринчи бўлди. Ундан кейинги поғона-лардан “Челси” ус-този Жозе Моуриньо (17 миллион) ва “Гуанч-жоу Эвергранд” (Хитой) клубини бошқараётган Марчелло Липпи (14 миллион) жой олди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

“O”zbekiston” телерадиоканали жамоаси Телеоператор-лар гуруҳи тасвирчиси Шавкат Атаевага волидаи мухтарамаси

МАҲБУБА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси жамоаси жамғарманинг Андишон вилояти бошқармаси раиси

Ўктам БАРАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихпор этади.



«Sekai Nippo» газетаси Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор сайёҳлик салоҳияти ҳақида

Яқинда Японияда чоп этиладиган оммабоп нашрлардан бири — “Sekai Nippo” газетасида “Цивилизациялар ва меҳмон-дўстликнинг туташуви: Ўзбекистон сайёҳ-ликни ривожлантирмоқда” сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Дунё нигоҳи

Унда Марказий Осиё-даги энг кўп нуфусга эга бўлган мамлакат — Ўзбе-кистон Буюк Ипак йўли-нинг маркази ҳисобланган-ни ҳолда у бой ва ранг-баранг маданиятга, кўпги-на сайёҳлик қадамжолари ҳамда бетакрор меъморий ёдгорликларга эга эканли-гига урғу берилган. “Мам-лакат бағрида жойлашган тўрт шаҳар — Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ЮНЕСКО Умумжаҳон ма-даний мероси рўйхатига киритилган”.

Нашрнинг таъкидлаши-ча, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини тако-миллаштиришга катта эътибор қаратмоқда. 2007 йили Ўзбекистонга таш-риф буюрган сайёҳлар сони қарийб 900 минг ки-шини ташкил этган эди, 2013 йили эса бу кўрсат-кич 1,98 миллион нафар кишига етди. Бошқача айтганда, ўтган қисқа муддат ичида сайёҳлар сони икки баравардан зиёд ошди.

“Sekai Nippo” Тошкент-да мухташам меҳ-монхоналар ва сайёҳлик мажмуалари қурилиши ишлари олиб борилаётган-ини, Бухорода “В&В” (Bed&Breakfast) тоифаси-даги меҳмонхоналарнинг сони тобора ошиб бора-ётганини ўқувчилар эъти-борига ҳавола қилган.

Мақолада мамлакати-миз сайёҳлик индустрия-сини жаҳон андозалари даражасига етказиш юза-

сидан олиб борилаётган кенг кўламли сайё-ҳ-катлар ҳақида ҳам атроф-лича фикр юритилган. Унда қайд этилишича, “Турли хорижий компания-лар билан қўшма лойиҳа-ларни амалга ошириш юзасидан музокаралар олиб боришмоқда. Ҳозир-ги пайтда Ўзбекистонга хар йили 2 миллион нафар хорижий сайёҳ келаётир”.

Газета 2014 йил 17-18 апрель кунлари Тошкент шаҳрида “Дам олиш дунёси — 2014” халқаро сайёҳлик курғазмаси бўлиб ўтгани ҳақида тўхталар экан, унда ўзбек ва хорижий туркомпания-лар ҳамда меҳмонхона хўжалиги вакиллари ўз хизматлари тақдимотла-рини ташкил этишганини қаламга олган. “Бундан ташқари, мазкур халқаро сайёҳлик анжумани доирасида ўзбек миллий таоми — палов фестива-ли ҳам бўлиб ўтди”, дейилади мақолада.

Нашр Ўзбекистондаги цивилизациялар ва меҳ-мондўстликнинг туташу-вини сайёҳларни ўзига оҳанрабодек жалб этади-ган ўзига хос ҳамда гузал ажойибот, деб атайди. “Буни Буюк Ипак йўли-нинг барча шаҳарларида ҳис қилиш мумкин. Ўзбек халқи вакиллари билан мулоқотда бўлган сайёҳ ана шундай ажойиботдан баҳраманд бўлади”, дея ёзилади “Sekai Nippo” газетаси саҳифаларида.

«Жаҳон» АА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 14/24-сонли ижро ҳужжати-га асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгармиш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, Узумзор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилма ва бино-иншоотларнинг майдони 493,0 кв.м., фойдаланиш майдони 107 кв.м. бўлган 2 қаватли уй-жой кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 690 604 283 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Махмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 17 апрелдаги 74 (6004)-сонида чоп этилган хабарнома билан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалида 2014 йил 20 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига чиқарилган, Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 17 февралдаги 16-1307/18526-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ватан»

МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 28-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1328,58 кв.м., қурилиш ости майдони 1989,52 кв.м. бўлган маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехлари, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, қорамол боқиш ҳамда қушхона иншоотлари, ёрдамчи бино, омборхона бино-иншоотлари аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

Асос: Суд департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 7 майдаги 01-2486/2-сонли алоқа хати.

Хизматлар лицензияланган.

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 850 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Осойишта кунлар сурури

Хаёт — инсонга берилган бебаҳо неъмат. Турмушдаги эзгу амаллар билан унинг қадри янада юксалади. Мен бу йил тўқсон саккиз ёшга кирдим. Хар тонг бири-бирдан суюкли эвара-чевараларим оғушида янги кунни қарши олар эканман, юртдаги осойишталик, одамларнинг меҳр-оқибати, шаҳару қишлоқларимиз файзу тароватга тўлаётганини кўриб, ҳаётга муҳаббатим янада ортади.

ДИЛ СЎЗИ

Дориламон кунларга етказганига мудом шукр қиламан. Чунки бундай осуда ва фаровон турмуш ўз даврида биз, кекса авлод учун афсона, етиб бўлмас манзилдай эди. Утган умримга эса ачинмайман. Боиси, юрт учун меҳнат қилдим, кексайган чоғимда бўлса-да, машаққатларимнинг роҳатини қўраппман.

Бугун озод ва бахтли ҳаёт кечирши имкониятини берган Истиқлолга раҳмат, дейман. Унинг шарофати билан қадримиз юксалиб, қаддимиз тик бўлди. Қаранг, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси инсон манфаатлари, сиз билан бизнинг яхши ҳаёт кечирishiмиз учун йўналтирилган. Масалан, қатта шаҳарларни қўя турайлик, қишлоқлардаги ўзгаришларни кўринг. Одамлар бири-бирдан қўрқам иморатлар қўришяпти, йўл ва кўча-

лар ободонлашиб бормоқда. Фарзандларимиз бахту саодати йўлидаги эзгу ишлар, бунга жавобан уларнинг интилишларини айтинг. Бари пок ният билан қилинаётган меҳнат, унинг меваси бўлган тўқинликдан. Бундай осмони мусаффо, элулуси оқибатли юрда яшагининг ўзи қатта бахт.

Фаровон турмушимиз замирида, албатта, кекса авлод, уларнинг қадр-қимматини ўрнига қўяётган барча-барча юртдошларимизнинг меҳнати мужасам. Ватан, эл равнақи йўлида фидойи бўлган ҳар бир инсон эса эъзоз ва эътиборга лойиқ. Хотира ва қадрлаш айёми арафасида биз сингари фронт орти меҳнатчилари, шунингдек, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўрсатилаётган иззат-иқром бу иш амалда яққол ифодасини топаётганди нишона.

Мелижон ТОЖИБОЕВА,
меҳнат фахрийси.
Тўрақўрғон тумани



ШУКРОНА

Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳаким ота Ғафоров умр бўйи одамларга яхшилик қилишни ўзининг бурчи, деб билди. У қаерда иш-ламасин, аввало, ҳалол бўлишга интилни. Қалби пок одамнинг доимо йўли очиқ ва равон бўлишига ишониб яшади.

Эндигина билаклари кучга тўлган Ҳаким Ғафоров ҳам тенгдошлари каби орзулар оғушида, улкан мақсадларни дилига тугиб яшаётган эди. Бироқ унинг ширин орзуларини уруш деган бало тупроққа қориди. Ҳаким ота урушнинг кулфат ва мусибатларини ёдга

олганида, чуқур ҳўрсинади. Кўпчилик дўстларининг шу кунларга етолмаганидан афсус-надоматлар чекади, куйинади. Яратганга шукри, онаси ва ақинларининг қилган дуолари ижобат бўлиб, у ажалнинг домидан соғ-омон Ватанга қайтди.

Бугунги дориламон кунларда, фароғатда ҳаёт кечираётган Ҳаким Ғафоров тинчлик деган улў неъматнинг қадрига етмоқликни дастурхон атрофида фарзандларига, ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар билан ўтказилган мулоқотларда такрор-такрор ўқтиради. Ёшлар кўпинча бободан "Ўзоқ умр кўришнинг сири нимада?" деб сурашади. Шунда отахон ўзи ҳаётда амал қилиб, кам бўлмаган ҳислатларни уларга бирма-бир санаб беради. Аввало, ҳар бир киши ўзи яшаётган она-юртни севиши, ундаги ҳар бир ўзгариш ва бунёдкорликдан қувониб яшаши лозим,

дейди. Одам яхши кунларни кўриб яшаради, деган гап беҳиз айтилмаган, дея таъкидлайди.

— Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонидан барча сафдошларим қатори менинг ҳам бошим осмонга етди. Биз — қариялар ва уруш қатнашчиларига қўрсатилаётган эҳтиромдан мамнунмиз. Тафти кўшдек илиқ, Ўзбекистондек муътабар ошёнда Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилган ҳар бир инсон эъзоз

"Бир-бирига меҳр-оқибатли эл кўкаради", деб беҳиз айтишмаган. Яратувчан халқимиз меҳнати билан юртимиз жанубининг олтин дарвозаси бўлган Термиз шаҳри ҳам истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳаким ота учрашувларда бот-бот таъкидлаганидек, фахрийлар, уруш қатнашчилари кўрмаган кунларни мустақиллик туфайли биз ва фарзандларимиз кўришяпти. Боболарининг ёшлиқда армон бўлган орзуларига улар эришишмоқда. Чинданам, ёш авлоднинг

«ТАБАРРУК ОШЁНДА ҚАДРИМИЗ БАЛАНД»

соғлом бўлиб камол топиши йўлида биргина Термизда қилинаётган ишларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Масалан, янги қад рўстлаган "Сурхон" спорт мажмуини кўринг, бу ерда ёшлар спортнинг кўплаб турлари бўйича машғулотлар олиб боришмоқда, чиниққан, бақувват ва кучли ёшлар эса жаҳон ареналарида муносиб ўринларни эгаллашмоқда. Кўркам ва замонавий аҳоли тураржойлари, янги мактаб ва коллежлар, "Бахт уйи", қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қўрилаётган аҳоли массивлари воҳа ҳўснига янада ҳўсн қўшишмоқда. Ҳаким ота айтганларидек, бундай бунёдкорлик ишларини кўриб, қувонасан, яна узок йиллар яшагинг келади.

Нормурод ТЕМИРОВ,
Шомурот ШАРАПОВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУКОМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

«ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАПИТИДИР!

2014 йил 20 — 21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни санаб кўринг.

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

5 дона

625 дона

625 дона

625 дона

700 дона

113 795 то пул ютуқлари

1025 дона

625 дона

БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛДА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Кўшимча маълумот учун телефон:
(8-371) 273-03-04.
www.agrobank.uz

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНING НАРХИ — 5 000 СЎМ.
Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин. Пул ютуқлари филиалларда, маиший техникалар ҳудудий бошқармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади.

Банкнинг вилеят бошқармалари телефн рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 Андижон вилеяти (8-374) 228-46-20 Бухоро вилеяти (8-365) 223-85-53 Жиззах вилеяти (8-372) 226-25-33	Қашқадарё вилеяти (8-375) 771-15-60 Наманган вилеяти (8-369) 223-19-32 Навоий вилеяти (8-436) 770-35-49 Самарқанд вилеяти (8-366) 210-02-46	Сурхондарё вилеяти (8-376) 770-81-48 Сирдарё вилеяти (8-367) 221-01-50 Фарғона вилеяти (8-373) 244-08-41 Хоразм вилеяти (8-362) 770-57-00
---	--	--

Хизматлар лицензияланган.

Лотерея билетларини балоғатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади.

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК

SNP Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

**«Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасида жойлашган,
«Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги
«POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида**

**диаметри
75 мм.дан 250 мм.гача
бўлган полиэтилен қувурлар
ва уларга бутловчи
қисмлар ҳамда
томчиллатиб сугоришда
фойдаланиладиган
шланглар
кенг ассортиментда
ишлаб чиқарилмоқда.**

**Бизнинг қувурларимиз
сизни тез-тез учраб
турадиган бўзилиш
ва таъмирлаш
муаммоларидан
кўп йиллар мобайнида
халос этади.**

Маҳсулот сертификатланган.

**Буюртма ҳамда таклифлар куйидаги телефонлар орқали қабул қилинади:
(8-436) 220-00-35, 220-00-36.**

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
210609, Навоий вилеяти, Қармана тумани, Маликработ кўргони.**

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Наманган вилеяти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида таклиф этади.

Аукцион савдосига Поп тумани СИБ томонидан Наманган вилеяти хўжалик судининг 2013 йил 13 мартдаги 16-1305/827-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ботир» хўсусий фирмасига тегишли, Наманган вилеяти, Поп тумани, «Халқобод» ШФЙ, «Халқобод-2» МФЙда жойлашган, умумий фойдаланиш ер майдони 7460 кв.м., бино-иншоотларнинг фойдаланиш майдони 857,18 кв.м., қурилиш ости майдони 984,44 кв.м. бўлган автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 71 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 9 июнь кунин соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатат пулини тўлов ҳўужжатида ижро ҳўужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилеяти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. **www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Бухоро вилеяти марказида бўлиб ўтадиган маросимга таклифнома олган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Назар Бозоровнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Бир кам тўқсон ёшли отахон ўғли Нормуродни ёнига қорлаб йўл тарадудини кўришга киришди. Ахир Пешкуннинг Талисбон кишлоғи билан Бухоро шаҳри ораси нақд эллик қақирим келади-я.

Нормурод отасининг феълини яхши билади. Уни хотир-жаҳ қилиш ниятида «Ота, ҳозир Бухоро туғул, азим Тошкент ҳам бир қадам бўлиб қолди. Хавотир олманг, шаҳарга тонг саҳарлаб етиб борамиз», деди дарвоза олдида гижинглаган тойдек турган машинасига ишора қилган кўйи.

Биз эса шу орада отахонини суҳбатга тордик.

— Дунёда ҳеч нараса тинчлик, нон ва Ватан қадридан устун бўлолмайди, ўғлим, — дейди у киши. — Иккинчи жаҳон уруши йилларида мен нақд етти йил она-юртимиздан узокда бўлдим. Уруш дахшатларини ўз кўзим билан кўрдим. Қаҳатчилиқни, одамлар бир бурда нонга зор бўлган кунларни айтмай сизми? Яратганга шукроналар қиламан, менга шундай дориламон кунларни кўриш на-сиб этди: юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бозорларимиз тўқин. Илоҳим, кўз тегмасин. Президентимизнинг биз, уруш қатнашчиларини рағбатлантириш ҳақидаги Фармонидан жуда хурсанд бўлдим. Асл касбим ўқитувчилик. Мактабда қирқ йил болаларга жисмоний тарбиядан сабоқ берганман. Бир пайтлар спорт заллари тугул оддий бир копток ҳам анқонинг уруғи эди. Бугун невараларим киши ҳавас қилгулик спорт саройларида машғулотлар ўтказаятганини кўриб, «Зап замонлар бўлди-да», деб қўяман. Айтмоқчи, юздан зиёд неварою эвараларим бор. Барака топишин, «Бобожон» деб атрофимдан кетишмайди.

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Бухоро вилеятида ҳам Назар отадек нурунийлар доимо давраларнинг тўрида. Қонгоник Рўзиниёз Тўраев, Тўракул Жўраев, ромитаник Карим Розиков шулар жумласидан. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси саналган бу табарруқ ёшдаги инсонларнинг кўллари ҳамиша дуода. Сўзларида ҳаёт ҳўкмати лим-мо-лим бу отахонлар ёшлар учун ибрат мактабидирлар. Уларнинг борлиги эса бойлигимиз, бахтимиз.

Истам ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уларнинг борлиги бахтимиз, бойлигимиз,

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 719 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Тўрон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.50 Топширилди — 20.15 1 2 3 4 5